

## ЎРТА АСР МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ИНСОН БОРЛИГИ

Ахмедова Зебинисо Азизовна,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

### ✓ Резюме

*Мақолада Ўрта аср мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Раҳон Беруний, Абу Али Ибн Синонинг табиий-фалсафий қарашлари таҳлил этилган. Муаллиф мутафаккирларнинг борлиқ, инсон борлиғи, инсон ақл-идроқи ва фазилатлари, инсоннинг маънавий қиёфаси билан боғлиқ фикрларини ёритиб берган. Мақолада мутафаккирларнинг ахлоқий-эстетик ғоялари, илм ва ҳунарларни эгаллаш, инсон ахлоқий камолоти масалалари ёритиб берилган.*

*Калим сўзлар: инсон, борлиқ, маънавият, камолот, ақлий қобилият, соғлом турмуш тарзи, билиш, қадрияятлар.*

## БЫТИЕ ЧЕЛОВЕКА В ТРУДАХ СРЕДНЕВЕКОВЫХ МЫСЛITЕЛЕЙ

Ахмедова З.А.,

Бухарский государственный медицинский институт.

### ✓ Резюме

*В статье анализируются натурфилософские взгляды средневековых мыслителей Абу Насра Фараби, Абу Раихана Беруни, Абу Али ибн Сины. Автор раскрывает взгляды мыслителей о бытие, о человеческом бытие, о человеческом интеллекте-разуме, о духовном облике человека. В статье рассматриваются морально-эстетические идеи мыслителей, вопросы приобретения знаний и навыков, а также вопросы нравственного совершенствования человека.*

*Ключевые слова: человек, бытие, духовность, зрелость, умственные способности, здоровый образ жизни, познание, ценности.*

## HUMAN BEING IN THE WORKS OF MEDIEVAL THINKERS

Akhmedova Z.A.,

Bukhara state medical institute.

### ✓ Resume

*The article analyzes the natural-philosophical views of medieval thinkers Abu Nasr Farabi, Abu Raikhan Beruni, Abu Ali ibn Sina. The author reveals the views of thinkers about being, about human being, about human intellect-reason, about the spiritual appearance of a person. The article examines the moral and aesthetic ideas of thinkers, the acquisition of knowledge and skills, as well as the issues of moral improvement of a person.*

*Key words: man, being, spirituality, maturity, mental abilities, healthy lifestyle, cognition, values.*

## Долзарблиги

Маънавий-ахлоқий камолот инсон зотига хос жарайнди, чунки у ақл, тафаккурнинг буюк құдратига таянган ҳолда ҳақиқат билан ёлғоннинг чегарасини аниқлабгина қолмасдан, балки дүстни душмандан ажрата олади. Илм билан хулқ-атвор, саъй-харакаттарнинг ўзаро бирлиги инсонни донишмандлик, комил инсон даражасига етказади. Бунга ҳеч қандай шуббха бўйламаслиги керак, чунки "тўзалликка ва ахлоқий камолоттга интилиш - бу инсон зотига хос хусусиятдир"[1].

Мавжудотлар ичida азиз ва мукаррам қилиб яратилган Инсон ўзининг ақли, онги ва тенгсиз заковати, одамийлик, самимият, хушфеълик каби фазилатлари билан улуғдир. Зеро, "Ер ҳаёт оламининг мадрасаси бўлиб, коинот дарси шунда ўқилмоқда"[2]. Буннинг асосий сабаби ерда барча нарсаларнинг мазмун-моҳиятини оча оладиган Инсон яшайди.

Форобий "Баҳт-саодатга эришув ҳақида"ти рисоласида инсон гўзалликни самарали идрок этиши учун унда нозик табиат ва ақлий мукаммаллик замини бўлиши керак, ҳиссий ва ақлий қобилиятга эга бўлган

инсонгина дунёнинг барча сирларини била олиши мумкин, деб таъкидлайди, "Инсон ақл-идроқи туфайли хақиқий инсонга айланади, билим инсонга баҳт ва шодлик келтиради, инсон билиш орқали ўзида гўзалик ва мукаммалликни кашф этади", - деб уқтиради. Форобий одамларни илм билан, санъат билан шугулланишга даъват этади ва шу туфайли гўзал нарсалар тушунарли нарсага айланади, деб кўрсатади.

Форобийнинг фикрича, шахсни камол тоғтириш жараёни инсон ўз ҳаёти давомида илм-ҳунар ўрганиши, ахлоқий нормаларни эгаллаши ва санъатни ҳаётий тажриба билан бойитиши орқали содир бўлади. Инсоний фазилатлар инсон атрофини қуршаган мұхит таъсирида шаклланади. "Камолотта бир кишининг ёлизи эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсон, ҳар қандай камолотга эришувда бошқаларнинг кўмагига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир"[3], "Инсон шахсини шакллантирадиган, уни бошқа маҳлүқотлардан ажратиб турадиган ва унга инсоний хислатларни ривожлантарирадиган нарса унинг фаол ақлидир", "Инсон фаолиятсиз турга олмайди, аммо ҳар қандай фаолият ва ҳаракат инсонни инсон қилиб кўрсата олмайди", дейди мутафаккир.

Тарбия жараёнида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, садоқат каби фазилатларнинг ўрни бекиёс. Олимларнинг айтишича, умр бокийлик яхшилик ва илмга бўлган муносабатга боғлиқ экан. Яхши фикр ва илм руҳий оламдаги яхши кучларни ривожлантиради. Ёмон фикр яхши кучларнинг заифлашувига олиб келади. Инсонпарварлик ва яхшилик асосий яратувчи кучдир. Инсонни севиш, кечириш, ҳамдард бўлиш - соғлиқ ва тинчлик манбай, фалсафаси, ҳаёт мақсади ва маънавияти бўлгандагина инсон завол кўрмайди. Форобийнинг таъкидлашича: "Руҳни тарбиялаш ва поклаш изчил давом этсанда, яхши натижаларга эришиш мумкин". Аждодларимиз саломатликда руҳнинг ўрнини билиб, унга катта аҳамият берганлар[4].

Абу Райхон Беруний барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади ва инсоннинг қадр-қиммати унинг авлод-аждодлари ким бўлганлиги билан эмас, балки унинг меҳнати билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Берунийнинг ижтимоий, ахлоқий қарашлари инсонийлик туйгулари билан йўғрилган, ижтимоий қарашлари марказида инсон, инсоний жамият туради.

Аллома инсоннинг барча мавжудотдан устунлиги унинг тафаккури орқали эканини изоҳлайди. Шунинг учун ҳам ердаги барча ҳайвонлар унга бўйсунадилар, акс ҳолда инсон энг кичик ҳайвондан ҳам ожиз бўлар эди. У инсон ташқи оламини билишда асосан ақлга таяниши ва шунинг учун ҳам у барча жонзотдан устун туришини таъкидлайди. Инсон ақлга мувофиқ билиш орқали оламнинг моҳияти ҳақидаги билимларни ўзлаштиради. Лекин билимнинг чеки йўқ ва ҳамма билимларни тез эгаллаш мумкин эмас. Шунинг учун инсон ўзи билиб олган нарсалар билан кифояланаб қолмайди, балки доимий равишда янги билимларни ўрганишга интилиши керак. Унинг фикрича, инсон билиш, тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш каби қобилиятлар соҳибидир[5].

Беруний кишиларнинг ақлий қарашларида, ахлоқий сифатларida, инсон руҳиятини ўзгартиришида таълим-тарбиянинг аҳамияти катта эканлигини кўрсаттан. Инсон сўзлаш, ҳис этиш қобилияти билан-гина билим ва ҳунарни эгаллаиди, бажарилиши лозим бўлган ишларни амалга оширади. Инсон тафаккури вақеликни билишга қаратилгандир. "Аммо инсон нарса ва ҳодисаларнинг қафат сифат ҳамда хусусиятлари ҳақида билим берувчи ҳиссий билиш даражасида тўхтаб қолмайди, балки нарсаларни атрофлича билиш, шу нарсалар ҳақида фикр юритишни талаб қилади", - дейди Беруний.

Беруний ижоди ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Аввало, унинг фикрича, илмли, маърифатли бўлиш одоб-ахлоқ ва нафосат билан боғлиқ. Ақлий қобилият одамнинг кундадалик эҳтиёжлари асосида вужудга келса, ахлоқий масалалар тарихий тараққиёт, кишиларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади. Беруний инсонда мавжуд фазилатлар ва иллатлар ҳақида фикр юритиб, яхшилик, мурувват, дўстлик, меҳр-шафқат каби инсоний фазилатларни улуғлайди ҳамда ёлғончилик, ёмонлик, қўполлик, иккюзламачилик, чақимчилик каби иллатларни қоралайди.

Инсоннинг маънавий қиёфаси яхшилик ва ёмонлик- ахлоқий тушунчалар билан белгиланади. Яхшилик сари интилиш, унга этишиш сабр-тоқат, мустаҳ-

кам ироди, юксак ахлоқий маслакни талаб этади. Ёмонликнинг шаҳобчалари қўп, аммо уларнинг асоси уч нарса: таъма, газаб ва илмсизликдир. Берунийнинг фикрича, газаб ва илмсизлик инсон учун энг кучли ва энг ҳалокатли душманdir. Аввало, онгни баразли мақсадлардан тозалаш зарур. Илм киши онгини барча ёмонликлардан халос этади. Илм-фан кишиларнинг ҳаётини ўтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади.

Беруний қарашларида меъёр тушунчаси асосий ўрин эгаллаиди. Унинг фикрича, меъёри билан ўралган лаззат - бу яхшилик, яъни илмли бўлиш, яхши хулқ, адолат ва ҳақиқат билан фаҳрланиш лаззатлидир. Беруний ўз қарашларида яхшилик ва дўстлик бегараж бўлиши керак, деган гояни илгари сурган[5]. Яхшилик барча кишилар ва хусусан қон-қариндошларга имкониятига қараб иш билан, ёки эзгу тилаклар билан яхшилик тилашдир[6].

Беруний инсоният тарихи ҳақида фикр юритиб, тарих - фикр ва тафаккур манбай эканлиги, у доимо турли фанларнинг ўзаро тасирининг узвийлиги ва уйгунлиги натижасида тақомиллашади, шунинг учун ҳам тарих ҳар бир кашфиётчи учун тадқиқотнинг муҳим манбай бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Тарихий манбани ўрганиш масъулиятли жараён, чунки тарихий манба тўплаганлар ўз манфаатлари доирасида далил тўплайдилар. Шу ҳолат юзасидан Беруний шундай фикр билдиради: "хабар- хабарчилар туфайли рост ёки ёлғон бўлиши мумкин"[7].

Фалсафа тарихида инсон барча яхши фазилатларни ўзида мужассам этган бетакрор мавжудот эканлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Инсон муғафаккирлар наздида турлича талқин этилади. Жумладан, Беруний фан тарихида биринчи маротаба инсон ва табиат, одам ва олам муносабатларини ўрганган. Унинг фикрича, одамларнинг тузилиши, ранги, ахлоқи, хулқи турлича бўлиши, уларнинг фақатгина наасабига эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, яшаш жойларининг турлича эканлигига ҳам боғлиқ. "Инсон ўз табиатига кўра мураккаб танага эга. Инсоннинг танаси бир-бирига қарама-қарши қисмлардан иборат бўлиб, бу қисмлар тобелик кучи асосида бирлашган. Инсонлар бир-бирига ўхашаш, шу билан бирга бир-биридан фарқ қиласди"[8].

Берунийнинг дўстлик ҳақидаги фикрлари ҳам ўзига хос. У дўстликни "ҳаётнинг беназир инъоми" деб атайди. Инсонни самимий ҳурмат қилмасдан, унга қаттиқ ишонмасдан туриб, дўстлашиш мумкин эмас, деб таълим берган. Душманлар ҳамиша насл-насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишига уринадилар. Дўстлар эса халал етказидиган йўлни тўсишга, гўзалликни изҳор этишига, ҳатто ёмонликни ҳам яхшиликларга нисбат беришга тиришадилар. Дўстлар жисман фарқлансалар ҳам, қалбан бирдамдирлар. Улардан ҳар бири ўзига нимани раво кўрса, дўстига ҳам шуни тилайди. Инсоннинг баҳти муносиб турмуш тарзига, мақтогва сазовор хулқа эга самимий дўстдадир.

Беруний фарзанд тарбиясида, яхши-ёмон одатларнинг шаклланишида оиланинг аҳамиятини алоҳида эътироф этади. Агар оиласда тарбиянинг яхши усулларидан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланилса, тарбия мақсадга йўналтирилган ва талаблар асосида олиб борилса, оила, албатта, баҳтли бўлади. Беруний инсоннинг табиий гўзаллиги унинг ахлоқи, феъл-атвори, оиласи ҳаётидаги ҳам акс этишини истаган ҳолда,



одамларнинг кўринишидаги гўзаллик ва тузилишидаги баркамоллик ҳар бир инсон учун севимлидир, деган эди. Оила тарбияси, фарзандлар камолига ота-оналар масъулдирлар. Мутафаккир улар доимо бир-бирларига маслақдош ва энг яқин ёрдамчи эканликлари ни алоҳида таъкидлаб ўтади. Яхши хулқ-одобли, бақувват, чиройли болалар туғилиши онани, аёлни яхши парвариш қилишга боғлиқ. Аммо ёшларнинг одоб-ахлоқи, турмуш тарзини яхши томонга ўзгартириш мумкин. Чунки, инсон ўз гавдасига ҳукмронлик қила олади. Аввало, ёмон хулқларни тарбиялаш учун одоб-ахлоқ ҳақидаги китобларни ўқиб, уқиб олиш, яхши гўзал хулқли кишилар билан танишиб дўстлашиш ва ҳамкорликда бўлиш лозим, - деган эди мутафаккир. Инсон, аввало, ўз қалбини, руҳиятини ёмон иллатлардан ва ҳақиқат нурига соя солиб турувчи сабаблардан тозалashi керак.

Берунийнинг инсон руҳига тартибли, уйгун нарса таъсир қиласи ва айни пайтда қалб ҳам шунга интилади, деган фикри катта аҳамиятга эга. Унинг фикрича, инсоний сифатлардан энг муҳимлари озодалик ва тартиблилиқидир.

Инсоннинг энг яқин нарсаси унинг табиати, руҳидир. Шунинг учун киши табиатига ёқадиган ишларни қилиши керак. Кийимнинг озода ва тартибли бўлиши инсон қалби ва руҳининг тозалигини билдиради. Берунийнинг бу фикрлари аҳлоқ, нафосатга оид бўлиб, уларни ўрганиш жуда муҳимдир.

Мутафаккир "Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қандай бажараётгани билан ўлчанади. Инсоннинг тилак ва хошилари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин"[7], деган хulosага келади. Матъумки, киши камолотида уч нарса, яъни ирсият, муҳит, тарбия асосий рол ўйнайди.

Шарқ фалсафаси ривожида Ўйгониш даврининг забардаст алломаларидан бири Абу Али ибн Синонинг ўрни бекиёсdir. "Ислом оламининг энг машхур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафакирларидан бири" деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида гурур ва эҳтиром туйгуларини ўйготади[9]. Фалсафий масалалар мутафаккир илмий меросида алоҳида аҳамият касб этади. Фалсафа - фанлар мажмуи, ўзида барча инсоний донолик - "ҳикмат"ни мужассам эттан бўлиб, борлиқ масаласи унинг асосини ташкил этади. Ибн Сино борлиқни субстанция, миқдор, сифат, муносабат, вақт, вазият каби категорияларда ифодалайди. Бу категорияларнинг ҳаммаси сабаб-оқибат боғланиши шаклида рўй беради.

Мутафаккир таълимотининг муҳим томони шундаки, у фалсафий категорияларни объектив борлиқ, табиат қонуниятлари билан боғлиқлиқда олиб қарайди. У фалсафанинг вазифаси ҳақиқат ва яхшиликни англашдан иборатдир, дейли. Шундан келиб чиқсан ҳолда, мутафаккир фалсафани иккига: назарий ва амалийга ажратади[10].

Абу Али Ибн Синонинг билиш назариясида тутган ўрни бекиёсdir. Ж.Кюри сўзи билан айтганда, "унинг бутун умри илмий ҳақиқатни билишга қаратилган эди". Мутафаккир инсоннинг билиш қобилияти чексиз имкониятларга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб, "англаб олинадиган борлиқ ҳам, ақл кучи ҳам чексиздир"[11], деган эди.

Ибн Синонинг илмий фаолияти ўз даври учун диалектик фикр юритишнинг ёрқин намунасиdir. Унда зиддият, қарама-қаршиликлар, сабабият каби диалек-

тик элементлар учрайди. У ҳар қандай ўзгаришнинг қарама-қаршиликлар қураши натижасида амалга ошишини эътироф этади.

Мутафаккир асарларида ахлоқ масалаларига ҳам катта ўрин берилган. У ахлоқни одамларнинг баҳт-саодатли бўлишларини таъминловчи йўл-йўриқлар кўрсатувчи амалий фан, деб атайди. Яхшилик ва ёмонлик, адолатлилик ва адолатсизлик, саҳиълик ва баҳиллик, донолик ва жоҳиллик, камтарлик, эзгу ният, ҳалоллик каби хислатларни ахлоқ категорияларига киритади. Ибн Сино инсон руҳи, аввал, қалби, у орқали онги билан боғлиқ бўлиши кераклигини айтади. Унинг фикрича, самимий ва содиқ дўсти бўлган инсон энг баҳтли инсон саналади[12]. Ибн Сино инсон ҳақида ўз фикрини бაён этар экан, "Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан сўзи, тили ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқ қиласи."

Ибн Сино инсон илоҳий карамдан баҳраманд бўлган, оламда тартиб ўрнатиш ва уни обод қилишга тегишли ваколатларни олган зотдир, деган эди. Ибн Синонинг фикрича, Тангри инсонга шундай куч-куватни инъом этди-ки, у орқали яхшиликни ёмонликдан, ақлий камолотни ёлғондан фарқ эта олиш имконияти пайдо бўлди. Инсон ақл-заковат соҳиби эканлиги, табиатда ўзига хос ўрин эгаллаши туфайли барча тирик мавжудотлар салтанатига ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини кўлга киритган.

Тадқиқотчи Е.Э.Бертельснинг таъкидлашича, "Ибн Сино мактаби вакиллари антик анъаналарни давом эттирган ҳолда, инсон ақлига алоҳида эътибор қаратади. Уларнинг фикрича, ақл - ҳақиқатни англашда энг содиқ қурол саналади"[13].

Инсоннинг мукаммал шахс сифатида шакланишида таълим-тарбиянинг ўрни бекиёсdir. Ибн Сино уни Қуръонни ўрганишдан бошлашни маъқул, деб билади. Ундан кейин она тили, хорижий тиллар, тиббиёт ва геометрия асослари ўрганилиб борилади. Ўрганилаётган соҳаларни ёд олиш, тез-тез такрорлаб туриш хотирани мустаҳкамлайди, тарбияланувчида баҳс-мунозара юритиш маданиятини юксалтиради.

У ўзининг эстетик қарашларида эстетика билан ахлоқ муаммоларини бир-бирига узвий боғлайди. У "Китоб аш-шифо" асарида мусиқанинг эстетик хусусияти ҳақида гапириб, бу санъат турининг ахлоқий тарбиядаги аҳамиятiga, шеъриятнинг кишиларга гўзал фазилатлар сингдириши имкониятларига тўхталиб ўтади.

Ибн Сино ёш авлодни тарбиялаш оила ва давлатнинг муҳим вазифаси, жамият тараққиёти, жамиятнинг хўжалик ва маданий ютуқлари бевосита маълумотли, маданиятили кишиларнинг ўсишига боғлиқ, деб ҳисоблайди, "барча билимларга эга нарсалар мукаммалликка мойиллир", деб таълим беради. "Мукаммалик" атамасида у инсоннинг ички гўзаллиги ва эзгулика интилишини ифодалайди. Бугунги кун таъбири билан айтганда эса, "мукаммалик" "акмеинсон"-ни тарбиялашдир. Ибн Сино инсондаги тил, нутқ масалаларига ҳам тўхталади: "Аллоҳнинг инсонларга инъом этган баҳтларидан яна бири нутқидир. Инсон ўзининг ана шу нутқидаги товуш оҳанглари орқали ўз ҳиссиётларини изҳор этади", деб таъкидлайди. Аллома овозлар ўзгариши орқали унинг мазмуни ҳам ўзгаришига эътибор беради: "... кишилар ялинганда бошқача овоз чиқариб гапирадилар, дўқ-пўписа қилганда бошқача, шошиб гапирганда нутқ бошқача оҳангда бўлади", деб уқтиради.

Ибн Сино фикрича, инсон қалби ўз табиати билан бир-бирига монанд бўлган товуш ва ритмларни ёқтиради. Чунки, товуш инсон ва ҳайвонлар ҳаётида энг зарур нарсалардан бири, товуш инсонни ҳам, ҳайвонни ҳам ҳаяжонлантиради, бирор қўрқинчли ҳодиса рўй берганда бир-бирини чақириш борасида катта роль ўйнайди. Унинг фикритга кўра: "Инсон қалби ҳар бир янги ва қўнгилдагидек нағмадан ором олади. Кейинчалик худди шу ёқимли нағмағоғий бўлса, қалб ҳаяжонга тушади. Худди шу олдинги нағмага ўхшаш иккинчи нағманинг пайдо бўлиши билан қалбдаги ҳаяжон йўқола бошлайди".

Ибн Сино ақлий тарбия билан бир қаторда инсон камолотида жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан таҳлил этиади. Ибн Сино жисмоний тарбиянинг илмий-педагогик жиҳатдан бир бутун тизимини яратди. Аллома жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, уйқу, баданни тоза тутиш тартибига риоя қилиш инсон соғлигини саклашда муҳим омиллардан бири эканлигини ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан асослайди[16].

Мутафаккир инсоннинг физиологик хусусиятларини ишлаб чиқиб, жисмоний машгулотга қўйидагича таъриф беради: "Жисмоний машқ қилиш кетмакет чуқур нағас олишга мажбур қиласидиган ихтиёрий ҳаракатдир".

Ибн Сино фаолияти давомида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берган: "Кимки соғлом турмуш тарзига эришмоқчи бўлса, ўз соғлигини сақламоқчи ва мустаҳкамламоқчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинадиган овқатнинг сифатига, миқдорига, овқатни истеъмол қилиш вақти ва унинг ҳазм бўлиш жараённига эътиборини қаратмоғи лозим"[14].

Мутафаккирларимизнинг инсон ҳақида қарашлари "инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир", деган фикрни тўла тасдиқлайди. "...Ҳақиқатда инсон улуг оламдир. Унга қараганда бу олам кичик оламдир Инсон олам аро олам бўлиб, унинг қалб тўлғонишлари,

идроқи, тафаккур кучи ва туйгуларининг бепоёнлиги, ҳиссиёти ва эҳтиросининг жўшқинлиги олдида ташки олам рангиз ва бемажолдир. Ҳаёт дунёси, жонли нарсалар уч турли сифатга эгадирлар. Булар ҳайвоний, шайтоний ва малаконий сифатлардир. Бу уч кувватни бирлаштириб, ҳосил бўлган ҳамирдан бир жонли нарса яратиб, унинг отини инсон деб қўйганлар. Инсон "дунёни иморат ва зироатлар билан обод қилади"[15].

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Носиров Р.Н. Ибн Синонинг "Амалий фалсафа" сида инсон тарбия муаммоси. //"/Мустакил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари" тўпламида. - Т., 2002. - 126 б.
2. Дониш А. Наводир ул-вақоे. -Т.: "Фан", 1964. -134 б.
3. Форобий. Баҳт-саодатта эришув ҳақида. - Т., 1963. - 268 б.
4. Умаров Э. Эстетика. - Т., 1995.
5. Туракулов.Э, Раҳимов.С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва тальим-тарбия ҳақида. - Т., 1992. - 21 б.
6. Абу Рейхан Бируни. Из "Минералогии". В кн.: Антология педагогической мысли. М.:1986, стр-64.
7. Беруний А. Танланган асарлар. 1-жилд. - Т.: "Фан", 1968. 50-б.
8. Ирисов А. Абу Райҳон Беруний ҳикматлари. - Т., 1973. 40 б.
9. Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти //Халқ сўзи. 2014 й. 17 май.
10. Жураев Ш. Абу Али ибн Синонинг фалсафий карашлари. Т.:1980й, 15-бет.
11. Ибн Сина. Даниш-намэ. Д.:1957г, стр-272.
12. Болтаев М.Н. Абу Али Ибн Сина-великий мыслитель, учёный-энциклопедист средневекового востока. - Т., 1980. С.155.
13. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. - М., 1960. с 525.
14. Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки. 1 - книга. - Т., 1996.
15. Ahmedova Z.A. Religious and Mystic Views of Ahmad Donish. Electronic Research Journal of Social Sciences and Humanities. №2, 2020. 273-276.
16. Ахмедова З.А. Шарқ фалсафасида инсон борлиги. Инсон манфаатлари-энг олий қадрият. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро, 2017. - Б.-28-32

Келиб тушган вақти 09.11. 2020